O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№43 (696) 2023 йил 26 май, жума
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕОИИНИНГ ЮБИЛЕЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 май куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг ўттизинчи йиғилишида видеоалоқа орқали иштирок этди.**

Давлатимиз раҳбари ушбу интеграциявий бирлашма саммитларида Ўзбекистон 2020 йилда кузатувчи мақомини олганидан буён анъанавий равишда иштирок этиб келмоқда.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида ўтган бу галги учрашувда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, кузатувчи давлат раҳбари сифатида Куба Республикаси Президенти Мигель Диас-Канель ҳамда Евроосиё иқтисодий комиссияси Ҳайъати раиси Михаил Мясникович қатнашди.

Таклиф этилган давлат раҳбарлари сифатида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳам иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма дастурларни амалга оширишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи давлат сифатида Бирлашма доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этаётганини қайд этди.

Савдо муносабатларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, янги ўсиш нуқталари ва имкониятларни излаш бўйича биргаликда иш олиб борилмоқда. 2022 йилда Ўзбекистоннинг ЕОИИ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 23 фоизга кўпайди. Барқарор ўсиш суръати жорий йилда ҳам кузатилмоқда.

Саноат кооперацияси соҳасида кейинги йилларда мамлакатимизнинг устувор тармоқларида юзлаб қўшма лойиҳа ва корхоналар ишга туширилди.

Ишбилармонлар мулоқотини рағбатлантириш учун самарали платформалар яратилди. Жорий йилнинг апрель ойида учинчи бор Тошкентда муваффақиятли ўтказилган ва анъанавий тус олган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси шулар жумласидан.

Евроосиё иқтисодий комиссияси билан конструктив ҳамкорлик йўлга қўйилди. Уч йилга мўлжалланган Биргаликдаги ишлар режаси доирасида қонунчиликни халқаро нормаларга уйғунлаштириш, иқтисодиётни тартибга солиш тажрибаси билан алмашиш, савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларида тўсиқларни бартараф этиш бўйича 200 дан зиёд тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон савдо тартиботларини соддалаштириш бўйича ҳамда транспорт, қишлоқ хўжалиги, экология ва туризм соҳаларидаги алоҳида дастурлар ва тармоқ лойиҳаларида иштирок этмоқда.

– Глобал хавф-хатарлар, транспорт-логистика занжирларида жиддий узилишлар, озиқ-овқат тақчиллиги ва энергетик хавфсизлик таҳдидлари ва бошқа муаммолар кучайиб бораётгани мамлакатларимиз барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг биринчи галдаги вазифаларини ҳал этиш учун яқин ҳамкорликни янада мувофиқлаштиришни тақозо қилмоқда, – деди Ўзбекистон етакчиси.

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз ўртасида савдо айланмаси ҳажмини тубдан ошириш учун савдо тартиб-тамойилларини соддалаштириш ва зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича биргаликдаги ишларни давом эттириш муҳимлигини қайд этди. Техник тўсиқларни бартараф этиш ва мувофиқлик сертификатларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимнинг қабул қилиниши бунга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти божхона маъмурчилиги, санитария, фитосанитария ва ветеринария назорати ҳамда товарлар келиб чиқишини сертификатлашнинг электрон платформалари ва онлайн тизимларини интеграция қилиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Ушбу ташаббусни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш учун экспертлар даражасида батафсил маслаҳатлашувлар ўтказиш таклиф қилинди.

– Евроосиё маконида янги иш ўринларини яратиш ва индустриал хабларни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш бўйича қўшма чора-тадбирлар кўрилиши лозим, деб ҳисоблаймиз, – деди Президент.

Мамлакатимиз кооперация лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кўп томонлама дастурларда ва ЕОИИ Ишбилармонлар кенгаши фаолиятида иштирок этишдан манфаатдор экани билдирилди.

Муқобил транспорт йўлакларини шакллантириш ва барқарор логистика занжирларини яратиш борасида биргаликдаги ишларни кучайтириш аҳамиятига эътибор қаратиб, Ўзбекистон етакчиси Шимол – Жануб халқаро йўлакларини ва минтақамизни Хитой, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғловчи бошқа магистралларни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари тариф сиёсати масалаларида яқиндан мувофиқлашув зарурлигини қайд этиб, “Ўзбекистон – Афғонистон – Покистон” темир йўли қурилишини амалга ошириш бўйича Лойиҳа офиси ишига қўшилишни таклиф этди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида Ўзбекистон раҳбари қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ўрнини фаол босишни рағбатлантириш, “яшил” йўлакларнинг тўлақонли ишлашини таъминлаш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва инновацияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатларимиз агробизнеси вакиллари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантиришни рағбатлантириш таклифларини илгари сурди.

Шу мақсадда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги вазирлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг етакчи ишлаб чиқарувчилари ва импортчилари иштирокида “ЕОИИ плюс” форматида Аграр форумни ўтказиш ташаббусини билдирди.

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, олий таълим муассасалари ва профессионал таълим марказлари ўртасида шериклик муносабатларини йўлга қўйиш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма лойиҳаларда иштирок этиш имкониятлари қайд этилди. Муҳандислик-техник ихтисосликлар бўйича талаб юқори бўлган кадрларни биргаликда тайёрлаш юзасидан “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сўзининг якунида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилиши якунлари ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишлари, шакл ва механизмларини ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

**ЎзА.**



# ВОҲАДАГИ ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАРДА

## соҳага оид муҳим муаммолар муҳокама қилинди

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, Азиз МАШРАБОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбирлари.

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан қурилиш соҳасида рейтинг ҳамда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ҳақида пудрат ташкилотлари, лойиҳачи ва қурувчилар билан жойларда очиқ мулоқот ўтказилаётганидан хабарингиз бор.**






Навбатдаги очиқ мулоқот Қарши шаҳрида ўтказилди. Унда вазирлик мутахассислари “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими, ундаги техник муаммолар, рейтинг баллари қандай қўлга киритилиши ва қай ҳолларда рейтинг баллари тушиб кетишига оид кўплаб саволларга атрофлича жавоб беришди.

Тан олиш керак, кўпчилигимиз инсон омилига асосланган тизимга ўрганиб қолганимиз боис барча муаммоларни масофавий ҳал қилиш мумкинлигига энди-энди ишонч ҳосил қила бошладик. Аммо ҳали-ҳануз вилоятда туриб ечим топиши мумкин бўлган муаммони Тошкентга қатнаб ҳал қилиш учун овора бўлаётганлар ҳам бор. Шу каби ҳолатларга чек қўйиш, тадбиркор ва қурувчи, лойиҳачиларнинг интерактив салоҳиятини оширишда очиқ мулоқотнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Очиқ мулоқот давомида шу каби кўплаб муаммолар қизғин муҳокама қилиниб, кўпчилик такрорлаётган умумий хатолар қайд этилди. Қурилиш-пудрат ташкилотлари вакилларини қийнаётган баъзи саволларга жавоб изланди. Масалан, “Мен ўзим қурилиш қилаётган объект хусусий сифат назоратидан ўтса, лойиҳам тасдиқланадими?” дея берилган саволга “Лойиҳачи хусусий сифат назорати хулосасини “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимига юклайди, онлайн хулоса кўриб чиқилиб, жавоби маълум қилинади” деб жавоб қайтарилди. Зеро, бугунги тезкор замонда масофавий иш шаклини ўзлаштириш ҳар бир пудрат ташкилоти учун жуда муҳим.

– Қурилишда давлат маблағи ҳиссаси 20 фоизни ташкил қилди, – деди вазирлик бошқарма бошлиғи Даврон Милиев. – Шу боис, пудрат ташкилоти раҳбарлари ва қурувчилар фақат давлат объектларини қуриш билан чекланиб қолмаслиги керак. Бу жуда кичкина улуш. 80 фоиз қурилиш хусусий пуллар эвазига амалга оширилади. Айни шу вазият хусусий шерикчиликда алдов масаласига ҳам йўл очди. Аслида кўпгина шартномаларга амал қилмаслик ва бир тарафнинг катта зарарга кириши пухта қилинмаган ҳужжатлар оқибатида содир бўлади. Аксарият ташкилотлар 10-15 миллионни тежаш мақсадида 7-8 миллионга энг савиясиз юристни ишга олишади. Оқибатда пухта қилинмаган шартнома ҳисобига миллиардлаб зарар кўришади.

Дарҳақиқат, ҳужжат тадбиркорнинг жони, ҳаёти десак, муболаға бўлмайди. Чунки биргина ҳужжат ҳисобига иш битмай қолиши ҳеч гап эмас. Тадбир якунида иштирокчилар томонидан бир қатор таклифлар ҳам ўртага ташланди. Охирги пайтда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими юзасидан ҳам кўплаб саволлар йиғилиб қолган эди. Аммо Call-центр йўқлиги сабабли мурожаат йўлаги мавжуд бўлмаган. Шу сабабли Call-центр хизматини йўлга қўйиш таклифи берилди ва бир овоздан маъқулланиб, яқин кунларда ишга тушиши айтилди.

– Очиқ мулоқотда қатнашиб, ўзим учун керакли кўп маълумотга эга бўлдим, – деди “Ҳисорак махсус сув қурилиш” МЧЖ раҳбари Фаррух Элмонов. – Кейинги сафар иштирокчилар ва уларнинг саволларига жавоб берадиган экспертларни ҳам йўналишлар бўйича кўпайтирсак, янада каттароқ натижага эришамиз, деб ўйлайман.

Тадбир ўтказишилиши режалаштирилган ҳудудга эртароқ бориб, тадбиркорлар, лойиҳачи ва қурувчилар билан суҳбатлашдик. Кўпчилик ташкилотлар раҳбарлари “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими пайдо бўлгандан кейин баъзи тушунмовчиликлар юзага келгани ва ҳамма ҳам тизимнинг ишлаш моҳиятини ҳалигача тўғри англаб етмаганини таъкидлашди. Очиқ мулоқот иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларидан ҳам кўриниб турибдики, бу каби ўзаро ва самимий руҳдаги суҳбатлар тез-тез ўтказилиб турилса, соҳадаги муаммолар ечимини топишига яхши имкон яратилади.

Маълумки, “Шаффоф қурилиш” платформаси қурилиш ташкилотларига эркин, шаффоф, адолатли ва ҳалол, энг муҳими, инсон омили аралашмайдиган танловлар учун муносиб шароит ҳамда қулайликлар яратмоқда. Бунда қурилиш-пудрат ташкилотлари вакилларининг рейтинг кўрсаткичлари юзасидан ўйлантираётган жиҳатлар, қизиқтираётган савол ва таклифларга қулоқ тутиш, уларни очиқ муҳокама қилиш орқали ташкилотлар фаолиятида, қурилиш сифатида самарадорликка эришиш мумкин.

Айни шу мақсад йўлида республикамизнинг ҳар бир ҳудудида ташкил этилаётган очиқ мулоқот шаклидаги тадбирлар Сурхондарё вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Учрашув аввалида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари томонидан мазкур онлайн тизимнинг имкониятлари, маълумотлар жойлашдаги актуал камчиликлар хусусида маълумот берилди.

Термиз давлат университети биносида йиғилган 100 га яқин қурилиш-пудрат ташкилотлари вакиллари ўзларининг фаолиятига алоқадор муҳим масалаларни соҳа экспертлари иштирокида муҳокама қилиш, рейтинг кўрсаткичларини шакллантиришда муҳим маълумотлар ҳақида билиш имконига эга бўлишди. Қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш мезонлари, соҳага татбиқ этилаётган янгиликлар ҳақида маълумотларга эга бўлгач, қурилиш ташкилотлари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилдилар. Хусусан, харид қилинган автотехникаларнинг нима сабабдан платформада кўринмаётгани, қурилиш-пудрат ташкилотлари ходимларини электрон қайд қилишдаги камчиликлар, қурилишда категория масаласида номувофиқликлар бўйича саволлар берилди.

Шунингдек, мулоқотда қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотлари рейтинг тизимини янада такомиллаштириш юзасидан кўплаб таклифлар ҳам ўртага ташланди. Рейтингдаги пудрат ташкилотлари ходимлари мезон талабларига сантехник, пайвандчи каби мутахассисликларни киритиш ҳамда баҳолаш ҳақидаги таклиф Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорликда кўриб чиқилиши, етарли асосланган электрон маълумотларни инсон омилисиз олиш имкони бўлган тақдирда ўрнатилган тартибда Бош прокуратурадаги штабга киритилиши айтилди.

Бундан ташқари, лойиҳа ташкилотлари томонидан ҳар бир ютиб олинган объект учун ғолиб ташкилотнинг рейтинг балидан чегириладиган 2 фоизлик чегирмани 5 фоизга чиқариш таклифи илгари сурилди. Лойиҳа-қидирув ташкилотлари рейтинги ва электрон тендер лойиҳаси лойиҳа ташкилотлари иштирокида муҳокама қилинганида, лойиҳа ташкилотлари томонидан билдирилган таклиф асосида 5 фоизлик чегириш 2 фоизга туширилган эди. Мазкур таклиф ҳам батафсил ўрганилиши, бунда нафақат Сурхондарё, балки республика миқёсида лойиҳа ташкилотлари фикри инобатга олиниши таъкидланди.

Очиқ мулоқот ҳудудларда давом этади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№43 (696) 2023 йил 26 май

# “Янги Ўзбекистон: Илм қалдирғочлари – 2023” танлови бўлиб ўтди

**Барно КУШБАКОВА,**
Жиззах политехника институти
Қурилиш материаллари ва конструкциялари
кафедраси ассистенти.



**Бугунги кунда мамлакатимизда бунёдкорлик ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, илм-фан ютуқларини соҳага жорий қилиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Яқинда Жиззах политехника институтида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “Кнауф Гипс Бухара” ХК МЧЖ ҳамда институтимиз ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистон: Илм қалдирғочлари – 2023” II Республика кўрик-танлови ҳамда талабаларнинг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.**

Унда республикамиз олий таълим муассасаларининг 200 нафардан ортиқ талаба-ёшлари маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндилари асосида яратилган энг яхши қурилиш материаллари ва конструкциялари, минерал ва кимёвий қўшимчалардан тайёрланган янги авлод бетонлари, энг яхши кичик технологиялар ва лойиҳалар, бино ва иншоотлар қурилишида энг яхши конструкциявий ишланмалар, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари асосида лойиҳаланган энг яхши энергиясамарадор бинолар технологияси, “Қурилиш конструкциялари” ҳамда “Энергиясамарадор биноларни лойиҳалаш” мавзусида бажарилган “Энг яхши битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси)” ва магистрлик диссертацияси каби 8 йўналиш бўйича билимини намойиш этишди.

“Янги Ўзбекистон: Илм қалдирғочлари – 2023” Республика кўрик-танлови қизғин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ва таассуротларга бой бўлди. Кўрик-танлов якунига кўра, энг кучлилар ғолиб бўлиб, ҳомий ташкилотлар томонидан муносиб тақдирланишди.

Хусусан, институтимизнинг Қурилиш материаллари ва конструкциялари кафедраси магистранти Нуриддин Эшқулов илмий раҳбари техника фанлари доктори, профессор Ниғматилла Толипов раҳбарлигида “Цемент асосидаги қуруқ қурилиш аралашмаларини адгезион хоссасига сувда эрувчан полимерлар ва тўлдирувчилар таъсирини тадқиқ қилиш” мавзусидаги диссертацияси билан қатнашиб, “Энг яхши магистрлик диссертация иши” йўналишида фахрли 1-ўринни эгаллади.

– Диссертация ишимда цемент асосидаги қуруқ қурилиш аралашмаларини ёпишқоқлик хоссаларига сувда эрувчан полимерлар ва тўлдирувчилар таъсири тадқиқ қилинган, – деди Нуриддин Эшқулов. – Маҳаллий хомашёлар асосида керамик плиткаларни ёпиштириш учун қуруқ қурилиш аралашмаларини таркиби ишлаб чиқилган. Улар асосидаги аралашмаларни қотиш жараёнини тезлатиш ва адгезион мустаҳкамлигини оширишда полимер қўшимчалардан фойдаланиб, физик-механик хоссалари яхшиланган қуруқ қурилиш аралашмаларини олиш мумкин. Келгусида ушбу ишимни янада такомиллаштириб, юртимиз қурилиш индустриясида кенг қўлланиладиган самарали маҳсулот турларини яратишни мақсад қилганман.

Яна бир иштирокчимиз, Жиззах политехника институтининг Қурилиш материаллари ва конструкциялари кафедраси талабаси Ҳилола Мардонова илмий раҳбари техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) вазифасини бажарувчи, доцент Бекзод Турсунов раҳбарлигида “Қурилиш гипси асосида олинган сувга чидамли фасадбоп плиткаларнинг физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш” мавзусидаги иши билан “Саноат чиқиндилари асосида яратилган энг яхши қурилиш материаллари ва конструкциялари” номинациясида фахрли 1-ўринга сазовор бўлди.

Ҳозирги кунда дунё бўйича қурилиш соҳасида энергиятежамкор, иқтисодий томондан арзон материал ва буюмларга талаб ортмоқда. Ҳилола Мардонованинг танловга тақдим этган илмий ишида маҳаллий чиқиндилардан тайёрланган қурилиш материаллари биринчи навбатда тайёрланиш жараёнида энергияни тежаши ҳамда маҳаллий чиқиндилардан фойдаланилаётгани учун таннархи ҳам қисман арзон тушиши ҳақида гап боради. Ўтказилган синов тажриба натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, гипс асосида сувга чидамли ҳар-хил турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хомашё манбаи сифатида Бухоро вилоятининг Когон туманидаги минерал хомашё – гипстошидан унумли фойдаланилган.

Бир сўз билан айтганда, танловга тақдим этилган ҳар бир ишда ўзига хос янгиликни кўриш мумкин. Мақсад фақат ғолиб бўлиш эмас, балки иштирок этиш орқали ўз билим ва тажрибасини янада орттириш, бойитиш ва тенгдошлари билан фикр алмашишдир. Ушбу танлов ҳам келгусида юртимизда қурилиш ва қурилиш материаллари саноатида яна кўплаб ютуқларга эришиш учун замин яратади, деган умиддамиз.

# Учинчи Ренессанс – маърифатли жамият сари

**Ойгул КАЖАНОВА,** журналист.

**“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” йўналишида белгиланган вазифалар бўйича жойларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.**

Яқинда Бухоро шаҳрида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти, “Маърифат” тарғиботчилари жамияти ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида “Учинчи Ренессанс – маърифатли жамият сари” мавзусида республика илмий-амалий анжуман ўтказилди.

– Бугун Янги Ўзбекистонда уйғониш маърифати машъали кўтарилди, – деди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минҳожиддин Ҳожиматов. – Биз икки Ренессанс кўрган буюк халқмиз. Демак, Учинчи Ренессанснинг зафари ҳам шубҳасиз. Президентимизнинг “Учинчи Ренессанс пойдеворини қураяпмиз”, деган сўзлари бугунги янгиланишлар ва ўзгаришларда намоён бўлмоқда. Мазкур анжуман юртимизда маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик, улар орасида ўзаро ҳамжиҳатлик, ватанпарварлик, шукроналик туйғуларини кучайтириш, жойларда аҳоли кайфиятини кўтариш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ҳисса қўшади.

Шунингдек, анжуман доирасида Бухоро давлат университетида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, ватанимизнинг юксак мукофотларига лойиқ кўрилган турли соҳа вакиллари, ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган отахону онахонларнинг ёшлар вакиллари билан икки авлод учрашуви ва “Меҳр-мурувват ва саховат” лойиҳаси ҳам бўлиб ўтди. Бухоро инновацион тиббиёт институти ҳамда Бухоро туманидаги 4-умумтаълим мактабида “Учинчи Ренессанс – маърифатли жамият сари” шиори остидаги “Маърифат соати” ташкил этилди.

# ТАҚУда халқаро илмий-техник анжуман ташкил этилди

**Муродбек ҲАЙДАРОВ,** “O‘zbekiston bunoydkori” мухбири.

**Тошкент архитектура-қурилиш университетининг Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш кафедрасида “Қурилишда инновацион технологиялар” мавзусида халқаро илмий-техник анжуман бўлиб ўтди.**



Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 39-сон баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 2 майдаги “2023 йилда халқаро миқёсда илмий ва илмий-техник тадбирлар ўтказиш тўғрисида”ги 118-сонли буйруғига биноан ташкил этилди.

– Дунёнинг ривожланган мамлакатларида рақамли иқтисодиётни мустаҳкамлаш, инновацион технологик соҳаларда етакчилик қилиш, таълимга замонавий технологияларни жалб этиш кенг татбиқ этилмоқда, – деди Тошкент архитектура-қурилиш университети ректори Эржан Каҳя. – Жумладан, БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларида (Sustainable Development Goals) меҳнат бозорида талаб катта бўлган касбий кўникмаларини ривожлантириш, қурилишда инновацион технологияларни қўллашда рақобатбардошликни ошириш, таълим хизматлари диверсификациясини таъминлаш глобал индикаторлардан бири сифатида белгиланган. Бу, ўз навбатида, олий таълим муассасаларининг таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини таъминловчи инновацион фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ушбу анжуман қурилиш технологияси ва қурилиш жараёнларини ташкил этиш, бино конструкцияларини сейсмик мустаҳкамлигини таъминлашда инновациялар, замонавий бино ҳамда иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, энергия самарадорлигини ошириш каби 10 та йўналишни қамраб олди. Унда нафақат маҳаллий соҳа мутахассислари ва профессорлар, балки Хитой, Корея, Венгрия, Испания каби 20 дан ортиқ давлат вакиллари иштирок этишди. Шунингдек, университетнинг бакалавр ва магистратура босқичида таҳсил олаётган талабаларнинг ҳам мазкур анжуманда ўз илмий мақолалари билан қатнашаётгани эътиборга моликдир.

– Мазкур халқаро илмий-техник анжуман университетимизда 3-йил ўтказилмоқда, – деди Тошкент архитектура-қурилиш университети Академик фаолият бўйича проректори вазифасини бажарувчи Эркин Холтурсунов. – Ҳозирда ҳукуматимиз томонидан мамлакатда инновацион техника ва материаллар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу анжуман профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларни мана шу жараёнга жалб қилишда бир восита бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, университетимизда ўқитувчилар ва талабалар томонидан қилинган илмий ишлар қурилиш корхоналарига амалда қўллаш учун тақдим этилаётгани ҳам бу борада эришаётган ютуқларимиз омилидир.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлган қурилишда ишлатиладиган инновацион технологиялар мавзусидаги халқаро илмий-техник анжуман ўзаро билим ва тажриба алмашиш учун муносиб имкон бўлди, десак арзийди.

# Билим қадрлаган юксак маънавият эгаси бўлади

**Ҳамза ШУКУРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**2022-2023 ўқув йилининг якунланиши муносабати билан мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчи ёшларига табрик йўллади. “Тинимсиз ўқиб, изланиб, замонавий билимларни эгаллашдан асло тўхтаманг”, дейилади унда. Куни кеча юртимиздаги барча мактабларда “Илмни қадрланг, илмга интилинг!” шиори остида бўлиб ўтган сўнгги қўнғироқ тантаналарида битирувчилар давлатимиз раҳбарининг табригига жавобан таълим-тарбия жараёнида улкан ютуқларга эришишга ва изланишдан тўхтамасликка ваъда беришди.**

Хусусан, сўнгги қўнғироқ тадбири Самарқанд шаҳридаги информатика ва ахборот технологияларига ихтисослашган 9-умумтаълим мактабида ҳам кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди. Мактабга тажрибали педагог, олий тоифали ўқитувчи Дилбар Мавлонова раҳбарлик қилади. Билим даргоҳида фаолият кўрсатаётган 85 нафар муаллимнинг аксарияти олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар эканидан ҳам бу ерда таълим-тарбиянинг намунали йўлга қўйилганини англаш мумкин. Мактабда яқинда қўшимча синфхоналар, янги спорт майдони, ошхона, кутубхона ҳомийлик ёрдами асосида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактаб ва Самарқанддаги халқаро технологиялар университети, ТАТУнинг Самарқанд филиали, Самарқанд давлат чет тиллар институти ўртасида шартнома асосида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани ҳам ўқувчиларнинг тўлақонли билим олишини таъминлашга хизмат қиляпти. Шунингдек, ҳиндистонлик профессор ўқувчиларга информатика фанидан инглиз тилида машғулотлар ўтганлиги, ТАТУ мутахассислари 30 нафар ўқувчига мастер-класс ташкил этганлиги ҳам айни муддао бўлди.

Шунингдек, сўнгги қўнғироқ тадбирлари шаҳардаги 8-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ҳам ташкил этилди. Билим масканида 47 нафар педагог ўқувчиларга сабоқ беради. Ўқитувчилар дарсларни замонавий педагогик технологиялар, ахборот коммуникацион воситалар ҳамда халқаро тадқиқотлардан фойдаланган ҳолда олиб боришаётгани натижасида ўқувчилар кўплаб ютуқларга эришмоқда.

Бундан ташқари, вилоятнинг Оқдарё туманида 56 та мактаб мавжуд бўлиб, уларда 31 920 нафар ўқувчи таълим олади. Уларга 2 683 нафар ўқитувчи таълим-тарбия беради. Ана шу мактабларнинг ўқувчилари ҳам сўнгги қўнғироқ тантаналарини катта тайёргарлик билан ўтказишди. Айниқса, туман марказидаги 45- ва 47-умумтаълим мактабларида тадбир эсда қоларли тарзда ўтди. Уларда сўзга чиққан мактаб директорлари ҳамда ота-оналар мактаблардаги таълим-тарбия намунали даражада экани, ўқувчилар билим даражасининг яхшиланиб бораётгани ҳақида гапиришди.

# БАРҚАРОР АРХИТЕКТУРА – бугуни ва келажагининг ютуқ ҳамда муаммолари

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида “Барқарор архитектура – бугуни ва келажагининг ютуқ ҳамда муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**



Халқаро конференциянинг очилиш маросимида Туркиянинг Ўзбекистондаги консули ўринбосари Арзу Пинар, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК директори Бобур Элмуродов, Самарқанд вилояти Маданий мерос бошқармаси бошлиғи Ботир Шайматовлар сўзга чиқишди. Хусусан, улар Пинар конференциянинг кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрида ўтказилиши муҳим тарихий воқеа экани, Ўзбекистон, Туркия ва МДҲ давлатларининг илмий-амалий соҳалардаги ҳамкорлиги бардавом бўлиши таъкидланиб, республикамиз шаҳарларида кенг миқёсда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳамда архитектура соҳасида қўлланилаётган замонавий ўзгаришлар ҳақида гапиришди.

Конференцияда дунёнинг турли мамлакатларидан, хусусан Япония, Туркия, Россия, Қозоғистон, Озарбайжондан ташриф буюрган профессор ва фан докторлари маърузалари билан иштирок этишди.

СамДАҚУ профессори, Шарқ мамлакатлари Халқаро Архитектура Академияси мухбир аъзоси Камол Раҳимов илк маърузачи сифатида “Қадимий Самарқанд ренессанси” мавзусидаги чиқишида Самарқанд шаҳри бош режаси ҳақида тўхталиб, шаҳар аҳолиси сонининг демографик ўсиши ва баъзи сабабларга кўра, стратегик бош режанинг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги туфайли тасодифий шаклланган архитектуранинг пайдо бўлгани ҳамда муаммолари ҳақида батафсил маълумот берди. Японияниг Токио шаҳридаги Шибаура технология институти Архитектура мактаби профессори Руми Оказаки эса “Кичик шаҳарлардаги меъморий мероснинг 3Д архиви Ёичи Хоккайдо мисолида” мавзусидаги маърузасида Японияниг кичик Ёичи Хоккайдо шаҳридаги архитектура объектлари ва турар жойлари ҳақида маълумот бериб, уларни 3Д архиви орқали сақлаб қолиш йўллари ҳамда келажакдаги истиқболларини ёритиш бўйича қизиқарли фактларни тақдим этди. СамДАҚУ профессори Эмраҳ Туркйилмаз эса “БИМ технологиялари иштирокида лойиҳалаш” мавзусидаги маърузасида дизайн элементлари, ранглар ва шакллар, уларнинг руҳий таъсирини Туркиянинг кичик бир шаҳридаги мусиқачилар уйи мисолида кўрсатиб берди.

Анжуманда шунингдек, Архитектура фанлари доктори, Озарбайжон Миллий Фанлар Академияси Архитектура ва санъат институти профессори Райиха Бархудар қизи Амензаде “Ўрта аср Озарбайжон меъморий ансамбллари”, Қозоғистоннинг Остона шаҳридаги Гумелев номидаги Евроосиё миллий университети профессори, фан номзоди Ольга Семенюк “Қозоғистонда энергиятежамкор архитектура”, Архитектура фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти профессори Мавлюда Юсупова “Бухоронинг ўтмиш ва ҳозирги даврдаги шаҳар тузилишидаги ҳовузлар”, Архитектура фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институти етакчи илмий ходими Абдуманноп Зияевнинг “Тошкентнинг тарихий-меъморий мажмуалари. Сақлаш ва фойдаланиш муаммоси” мавзусидаги маърузалари ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Айниқса, илмий-амалий конференцияда Туркиянинг Қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича техник консалтинг компанияси асосчиси ва бош директори Керем Чиллининг “Қуёш энергияси самарадорлиги” мавзусида Ўзбекистон табиий шароити муҳитини ҳисобга олган ҳолда қуёш панеллари ва жиҳозлари ҳамда бошқа техник воситалар асосида экологик шаҳарни барпо этиш ҳақидаги маърузаси қатнашчиларнинг қизғин мунозарасига сабаб бўлди.

Конференциянинг илмий-амалий шўъбаларида хориждан келган профессор-ўқитувчилар, университетнинг илмий изланувчилари, магистрант ҳамда докторантлар ва ёш олимлар ўз маърузалари билан чиқиш қилишди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№43 (696) 2023 йил 26 май



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

# “Баҳористон” МФЙ кўркамлашмоқда

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимизда ҳудудларни обод қилиш ва маҳаллалардаги инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этишга устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.**



Шу билан бирга, жойларда ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа соҳа объектларини яхшилашга эътибор кучаймоқда. Бундан асосий мақсад эса аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишдир. Хусусан, Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги “Баҳористон” МФЙда Вазирлар Маҳкамасининг 670-сонли қарори ижроси доирасида бир қатор бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

– Маҳалламиздаги иккита кўчанинг 4 километр қисмида қарийб 500 миллион эвазига 130 та янги бетон-таянч ва иккита трансформатор ўрнатилди, – деди “Баҳористон” МФЙ раиси Ибодулло Қирғизов. – Шунингдек, замонавий сим-кабеллар тортилиб, электр таъминоти яхшиланди. Таъкидлаш жоизки, ҳар икки кўчада янги ҳовли-жойлар мақомида бўлганлиги учун ҳудудда шу пайтгача электр йўқ эди. Бундан ташқари, 2 километрдан зиёд масофага 1 миллиард 300 миллион сўм сарфланиб, асфальт ётқизилди. Коммунал хизмат кўрсатишда ичимлик сувининг аҳамияти беқиёс эканлиги сир эмас. Лойиҳада 25 километр узунликда тармоқ тортиш белгиланган ва шундан 18 километри бажарилди. “Полиэтилен саноат” МЧЖнинг ишчи-ходимлари қиймати 3 миллиард 900 миллион сўмлик ушбу монтаж ишларини якунлашга астойдил бел боғлашган.

Шунингдек, маҳалла раисининг сўзларига кўра, аҳолининг сувга эҳтиёжи ариқдан насос воситасида тортиш ҳисобига қондирилар эди. 1037 та хонадондан 823 тасига кириб келаётган оби ҳаёт одамларнинг кўп йиллик қийинчиликларига, армонларига барҳам беради. Ҳозирча 250 та ҳовли тармоққа уланди. Бундан аҳоли жуда мамнун. Ташиб келтириш ва жўмракни бураш билан мақсаднинг ҳосил бўлиши ўртасида катта фарқ, аниқроғи, беминнат қулайлик мужассам.

250 миллион сўмга 38x19 метрли футбол майдонининг қурилгани эса маҳалла ёшларининг чексиз қувончига сабаб бўлди. Бундан ташқари, келгусида 4-5 сотих майдонга нуронийлар учун маскан қуриш режалаштирилмоқда. Бу борада тегишли ташкилотларга таклиф киритилган бўлиб, тез орада режа амалга ошиши кутилмоқда.

Демак, дастурлар ижроси тўла таъминлангач, ҳудуд бугунгиданда кўркамроқ қиёфага кириши аниқ.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

# Бунёдкорлик ишлари қизғин

**Фозилжон ҚОСИМОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Жиззах вилояти туманларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 408-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.**

Хусусан, қарор ижросини таъминлаш мақсадида, Дўстлик туманидаги “Мевазор” МФЙда айни пайтда 3,7 километр тупроқ йўллар шағаллаштириляпти. Ҳозирга қадар умумий узунлиги 1,5 километр бўлган тўртта кўча бетон қилинди. Бундан ташқари, 1,6 километр табиий газ тармоғи ҳам тортилмоқда. Яқин кунларда аҳоли учун тоза ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари бошланади. Яқинда вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи, 4-сектор раҳбари Бегзод Тошпўлатов ушбу маҳаллада бўлиб, бажарилаётган ишлар билан танишди.

Мирзачўл туманидаги “Дўстлик” МФЙнинг ички йўлларига босқичма-босқич шағал ётқизилиб, текисланмоқда. Хусусан, шу кунга қадар маҳалла фуқаролар йиғинидаги Лолазор кўчасининг 660 $м^2$ қисми шағаллаштирилди. Бу борадаги ишлар тизимли равишда давом этади. Тумандаги “Тошкент” МФЙнинг чекка ҳудуди Ҳазратовулнинг Олтинводий кўчаси ички йўлларига ҳам шағал тўкилди. Жами 750 $м^2$ масофани ташкил этадиган ушбу таъмирлаш ишлари маҳаллага ўзгача кўрк бағишлади.

Фориш тумани 1-сектор ҳудудидаги “Ўхум” МФЙ туризм ҳудудига айланиб бормоқда. Ҳар йили бу ерга АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Россия ва дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларидан минглаб чет эллик сайёҳ ташриф буюради. Яқинда бу ерда тадбиркор, “Ҳаёт боши” туризм маскани раҳбари Ихтиёр Анжиров томонидан 19 ўринли меҳмонхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Ушбу меҳмонхона 2 қаватли бўлиб, маҳаллий хомашё – тошдан бунёд этилган. Бино замонавий ва миллий архитектурани ўзида мужассам этган. Меҳмонхона атрофи соя-салқин, яшилликдан иборат. Бу ерда сайёҳлар яшаши, тоғ манзараларидан баҳра олиши учун барча шароит яратилган.

Эътиборлиси, мазкур ҳудудда “GRAND TRAVEL CENTRE” оилавий корхонаси раҳбари тадбиркор Омонбой Анжиров томонидан ҳам сайёҳлар учун янги меҳмонхона қурилиб, ишга туширилди. “Ўхум” МФЙдаги Ҳаёт қишлоғининг тоза ҳавоси, сўлим табиати, зилол суви, меҳмондўст халқи чет эллик сайёҳларни ром этган. Янги меҳмонхона биносида барча қулайликлар мужассам. Ариқларда зилол сувлар шарқираб оқиб турибди. Бу ерда сайёҳлар Ўхумнинг сўлим тоғ манзараларидан баҳра олиши мумкин.

Шунингдек, Фориш туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Тумандаги “Ўхум”, “Сайёд”, “Дўстлик” ва “Учқулоч” МФЙда инфратузилмани яхшилаш, туризмни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Янгиобод туманида ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш бўйича қатор ишлар бошлаб юборилган. Бу ишларнинг дастлабки босқичида тумандаги 10 нафар эҳтиёжманд хонадонга ҳокимлик томонидан қуёш сув иситгичлари бепул ўрнатиб берилган эди. Бу гал тумандаги 8 нафар “Аёллар дафтари”да бўлган фуқаро хонадонига туман ҳокимлиги ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди саъй-ҳаракати билан қуёш панеллари ўрнатиб берилди. Туманда йўллар сифатини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситалари ҳаракатланиши учун қулайлик яратиш мақсадида асосий ҳамда ички йўлларда таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Айни кунларда туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан “Сармич”, “Баландчақир”, “Варкин” ҳамда “Хўжамушкент” МФЙдаги ички йўллар ҳам шағаллаштириляпти.

Бу каби ободлик ишлари барча маҳаллаларда босқичма-босқич давом этмоқда.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Ховосда замонавий озиқ-овқат саноат технопарки

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“Сирдарё вилоятида замонавий озиқ-овқат саноат технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳукумат қарори лойиҳаси эълон қилинди.**

